



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 27-oktyabr №44 (4442)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2017 йил 25-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлди.**

Давлат раҳбарларининг музокаралари 25 октябрь кун Анкара шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм, транспорт, логистика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар икки мамлакат ҳамкорлигини янги, стратегик босқичга кўтаришга замин яратадиган Қўшма баёнотни имзолади.

Шунингдек, иқтисодиёт, савдо-сотиқ, sanoat, банк-молия, инвестиция, туризм, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга доир 20 дан зиёд ҳужжат қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон музокаралар самарали бўлгани, эришилган келишувлар ҳамкорлиқни янги босқичга кўтаришини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь кун Туркия Буюк миллат мажлисида ташриф буюрди.

Буюк миллат мажлиси Туркия Республикасининг олий қонун чиқарувчи органидир. Унга 1920 йил 23 апрель кун асос солинган. Бугунги кунда тўрт партия Мажлисда ўз фракциясига эга.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери Исмоил Қахрамон билан учрашди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг музокараларида парламентларо ҳамкорлиқни ташрифлар алмашинуви ва қўшма тадбирлар ўтказиш орқали қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилган эди. Туркия парламентидаги мулоқотда мазкур йўналишдаги алоқаларни мустаҳкамлаш, парламентлар фаолияти ва парламент назорати шакллари бўйича тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Буюк миллат мажлиси Спикери Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида

парламент ролини ошириш борасидаги ислохотларни юқори баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президентимиз Буюк миллат мажлиси фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев кўннинг иккинчи ярмида Истанбул шаҳрига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Бош вазири Бинали Йилдиримни қабул қилди.

Учрашувда Анкарада бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ҳолисона баҳолаб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинган таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида савдо, sanoat, банк-молия, инвестиция, туризм, юк ташиш, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқка доир қўллаб-қувватлар имзолангани юқори баҳоланди.

Мулоқотда мазкур келишувларни амалга ошириш, икки мамлакат вазирилик ва идоралари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Бош вазири Бинали Йилдирим иштирокида икки мамлакат молия ва ишбилармон доиралари учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда олий даражадаги мулоқотлар самарасида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида имзоланган ҳужжатлар улкан аҳамиятга эга экани қайд этилди. Шунингдек, 26 октябрь кун Истанбулда ўтказилган икки мамлакат ишбилармон доиралари бизнес форумида йирик энергетика объекти ва йўл инфратузилмаларини қуриш, тўқимачилик маҳсулотлари, электр жиҳозлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва агро-саноат тармоғида замонавий sanoat ва логистика марказлари ташкил этиш соҳаларида 3,5 миллиард доллар ҳажмидаги 30 дан ортиқ

лойиҳа бўйича битимлар имзолангани таъкидланди.

Президентимиз яқин йилларда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 3-4 миллиард долларга етказиш бўйича келишувга эришилгани, бу икки мамлакат ишбилармонлари учун кенг имкониятлар яратишини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Туркия компаниялари раҳбарларининг Ўзбекистонда бизнес юритиш борасидаги фикрлари билан қизикди.

Туркиялик ишбилармонлар Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолади. Валюта бозори эркинлаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш учун қулайликлар яратгани таъкидланди.

Инвесторлар ва йирик компаниялар билан тўғридан-тўғри алоқаларга қулай шароит яратилаётгани, мамлакатимизда Туркия бизнес маркази ташкил этилиши маълум қилинди.

Очиг ва амалий руҳда ўтган мулоқотда Ўзбекистон ва Туркиянинг молия ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро махсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди, томонларни қизиқтирган аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди.

Учрашувда икки мамлакат компаниялари ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари ташриф дастури доирасида Истанбул шаҳридаги машҳур Топкапи саройини бориб кўрди. XV асрда қурилган ва кейинчалик музейга айлантирилган мазкур сарой тарихи, бу ердаги қадимий экспонатлар билан танишди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига давлат ташрифи ниятисига етди. Ташриф давомидаги учрашув ва музокаралар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлиқнинг муҳим истиқболларини белгилаб берди. Имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар икки давлат муносабатлари ва қардош халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбири**

Тошкент – Анкара – Истанбул – Тошкент.

## islamkarimov.uz, islomkarimov.uz САЙТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасининг расмий сайти – islamkarimov.uz, islomkarimov.uz иш бошлади.**

Сайтдаги материаллар ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим этилган. Сайт «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий қилиш маркази мутахассислари кўмагида ишлаб чиқилган.

Сайт интернет фойдаланувчиларига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти билан батафсил танишиш учун қулай имконият тақдим этган.

Манбада Ислам Каримовнинг таржимаи ҳоли, давлат мукофотлари, асарлари, Ватанимиз мустақиллиги солномаси, жамият ва давлат ҳаётининг турли жабҳаларидаги ўзгаришлар ва ислохотлар билан танишиш мумкин.

«Хотиралар» бўлими Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижроичи котиби Сергей

Лебедевнинг сўзлари билан бошланади: «Ислам Каримов кучли ва ёрқин шахс сифатида хотирамизда муҳрланиб қолган. Нафақат мен, балки у билан таниш бўлган бошқа кишилар ҳам унинг ўта кучли хотираси, доимо ўз сўзида туриши, нутқларида кўзда тутилган аниқ вазиятлар, истиқболларга ҳолис баҳо бериш қобилиятини юксак баҳоладик».

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Ўткир Раҳмат «Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз». Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан айtilган бу сўзларда чорак асрлик мустақил тараққиёт давомида Ўзбекистоннинг буюк фарзанди, бутун ҳаёти ва бор куч-ғайратини тўла-

лигича Ватан хизматида бахшида этган, ўз халқини жондан севган Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар эътирофи ўз ифодасини топган», деб таъкидлайди.

Сайтда, шунингдек, медиатека мавжуд бўлиб, у орқали фото ва видеогалерея материаллари билан танишиш мумкин.

Виртуал саёҳат Тошкентдаги Ислам Каримов ҳайкали ва унинг атрофидаги ҳудудлар билан танишиш имконини беради.

Сайт фойдаланувчилари мустақил Ўзбекистон тарихи ҳақида қўллаб-қувватлаш маълумотларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ўз фаолиятини Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди билан яқин ҳамкорликда амалга оширмакда. Бу ҳақидаги маълумотни ҳам мазкур сайтдан топиш мумкин.

ЎЗА


## УЛУҒ МУҲАДДИСГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Ифтихор

**Инсонлик шарафи — малак ва махлуқ оралиғидаги олтин ҳалқаидир. Ўзидан юксак ва тубандаги мавжудотларнинг ҳар бирида инсонга хос хусусиятлар мавжуд. Улардан лозимини ўзига олиб, ўзгасини кўнгилдан соқит қилиб яшамок, бу улуг шарафни муқим тутиб турмоқ аъмоли кўп мушкул. Шу сабабдан ҳам тирикликка тафтулашиб турган биргина қўёшнинг нури инсон ҳаётини ёритолмайди. Шунинг учун ҳам инсон қорни тўқ, усти бут бўлгани билан умридан рози бўлиб яшаб кетавермайди. Шу боис қайси даврда маънавий оғтиб сўнган бўлса, башариётнинг турмушидан маъно кетган, бефайз бир тирикчилик гирдобиди кун кечирган, холос.**

Ана шундай башариёт ҳаётини ёритувчи шуғлавор маънавий оғтибнинг бир номи, шубҳасиз, Ислам дея аталган диндир. Бу нур теваси, бу эзгулик қарвони илоҳ қалбидан нулланиб араб заминидан йўлга чиққани ҳолда бизнинг она диёримизда лангар ташлади. Бу нур манбаси бизнинг улуг аждодларимиз қалб ойнасида ўзининг ёруғ жамоли билан аксланди. Таниқли шарқшунос, «му-сулмон ренессанси» иборасини илк бор қўллаган олим Анри Мейсда шундай эътироф бор: «Ислам дини Арабистон ярим оролида пайдо бўлди, унинг пайгамбари араб миллатидан чиқди. Аммо бу дин маълум маънода, Шарқда, хусусан Марказий Осиё шаҳарларида камолга етди. Бу дин Бухорий, Термизий, Мотурудий, Нақшбандий каби зақо зотлар қалбиди иккинчи ҳаётини бошлади...».

Ана шундай алломалардан бири IX асрда яшаган, олти улуг муҳаддиснинг учинчиси имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийдир. Имом ат-Термизий мелодий 825 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида, Буг қишлоғида таваллуд топган. У калом илми, фикҳ, ҳадисшунослик каби илмлардан дастлаб Термизда таҳсил олган. Бўлажак му-



ҳаддис ҳадис илми билан жиддий шуғулланишга бел бослаб, йигирма бир ёшида илм йўлида сафарга чиқди. Хуросон, Бағдод, Басра, Нишопур, Хижоз каби ислом динининг ўчоқлари бўлган манзилларда етук шайхлардан ҳадис тинглайди.

Давоми иккинчи саҳифада.



**Академик Азиз ҚАЮМОВ:**  
— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна

бўлишга даъват этишдан олдин бир гапни айтай: бу газета ўзбек зиёлиларининг бир неча авлодини тарбиялаган, улар онгиди мустақиллик туйғуларини шакллантирган, бугунги кунда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. Газетанинг илк сони 1956 йилнинг 4 январиди чоп этилганини ёдга олинг.

Кечагидек эсимда, ҳурматли Шароф Рашидовнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши туфайли 1981 йил 3 апрелдан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» номи билан чиқа бошлаган бу мўътабар ҳафталикнинг нуфузи янада юксалди, ижод аҳлининг чинакам йўлдошига, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг толмас тарғиботчисига айланди.

Бугунги шиддаткор давр, Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, маънавий ҳаётимизда, маданиятимизда, адабиётимиз ва санъатимизда кечаётган янгиланишлардан мунтазам хабардор бўлиш имконига эга бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлинг.

У сизга зукко ҳамкор, холис ва самимий суҳбатдош, ишончли ҳамроҳ бўлишига шубҳа йўқ.

## ДУНЁНИ МАЪРИФАТ ҚУТҚАРАДИ

Илгари замин сирларга тўла эди. Ернинг шакли, осмон, юлдузлар ҳақидаги ибтидоий тасаввурлар — барчаси жам бўлиб, аждодларимизни илм ўрганишга даъват этган. Алалоқибат, Беруний бобомиз уммон ортида ҳам қуруқлик борлигини, у ерда ҳам худди бизга ўхшаш ҳаёт давом этаётганини илмий асослаб, ернинг думалоқ эканлигини исботлаганда, дунё аҳли ҳали бу кашфиётни тугат англаб етмаган даврлар эди. Абдулла Орипов: «Денгиз ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали» деб ёзганда минг бор ҳақ эди.

Эндиликда қўп сирлари очилган бу табаррук замин, афсуски, дардга, муаммага тўлиб бормоқда. Турли оғатлар, урушлар, бузғунчиликлар инсон ҳаётини муаммолар гирдобига ташламоқда. Айниқса, ёшлар орасида уларни тўғри йўлдан оздирувчи гошлар тўғривсиз тарғиб қилинаётгани дунё аҳлининг дардига дард қўшмоқда. Бироқ бу муаммоларга, бу иллатларга бир ёқдан бош чиқариб қарши кураш олиб борилаётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқиди бир қанча халқаро муаммоларни кўтаргани, айниқса, ёшлар масаласида алоҳида ташаббус билан чиққани дунё ҳамжамиятини яна бир бор огоҳликка ундади. Айтиш мумкинки, бундан бир неча аср олдинги миллатдошимиз Ўзбекистондан туриб Ернинг айланиши ҳақидаги сирни очган бўлса, ўзбек халқи-

нинг бугунги раҳбари денгиз ортига бориб дунёнинг оғир дардлари нимада эканлигини дадил айта олди. Бу икки ҳолат ҳам миллатимизнинг буюклигини, бу улуг-лик бизга отамерос эканлигини англашмайми?

Ўзбекистон Ёшлар иттифокнинг ташкил этилишининг ўзиёқ бу масалада туб ислохотлар бошланганидан дарак беради. Ёшларни маърифатли қилиб тарбиялаш, уларга зарур шароит яратиш орқали «зуравонлик гоёси» «вируси» тарқалишининг олдини олиш мумкин. Нафақат Ўзбекистондаги, балки дунёдаги икки миллиард ёшлар тақдирини ўйлаб, бевозта бўлишининг ўзи юксак маънавий бел-гисидир. Шу сабабли «Маърифат ва диний баргикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи қўнчиликка маъқул келди.

Фақат истезод, жасорат билангина мақсадга эришиб бўлмайди, бу салоҳият маърифат билан уйғуллашганига ижобий натижа беради. Бу борада юртимизда амалга ошаётган ишларни қўриб тўқиланасан киши.

Жаҳолатта қарши фақат маърифат билан курашни мумкинлигини олий минбардан туриб дунё ҳамжамиятига яна бир марта еслатиш ҳам қатта жасоратдир. Эзуликка хизмат қилувчи бу жасоратдан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди.

Шоди ОТАМУРОД,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

# УЛУҒ МУҲАДДИСГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўз илмини бойитишда давом этади. Нишопурда улуг муҳаддис Имом ал-Бухорий билан учрашади ва икки аллома ажодимиз беш йил мобайнида ҳамсуҳбат бўладилар. Устоз-шогирдлик риштасини боғлайдилар. Имом ат-Термизий 25 йил давомида ўз юртидан олисда яшайди. Шу вақт мобайнида тўплаган ҳадисларини жамлаб, 45-46 ёшида Термизга қайтиб келади, ва ўзининг ҳаёнига машҳур "Сунани Термизий", "Шамои ул Муҳаммадия", "Китоби аз-зуд", "Асмор ус-саҳоба", "Ал асмор ва-л куно", "Китаб ал-илал", "Ат-тарих", "Ал-хол" сингари нобъ асарларини яратади. Имом ат-Термизийнинг ўзга юртларга қилган сафарлари ҳақида шундай ривоят мавжуд. Карвон нотаниш ўлкалардан бирида кетаётганида унга қароқчилар ҳужум қилади. Карвонни манзилига бешикаст кузатиб бориши лозим бўлган қўриқчи аскарлар ўлдирилади. Табиийки, карвон таланади. Бир қисм китоблар ва камтаргина кийим-бошидан бошқа ҳеч нарса си бўлмаган ёш Абу Исо ҳам бу ишлардан афсусда туради. Қароқчилар бошлиғи унга эътибор қилиб, бор бойлигини қириб беришни, бўлмасга ўлим топажанини маълум қилади. Термизий одмиғина бўҳчасини ечиб, ундаги тўнни олади ва чопоннинг қавилган астарини сўта бошлайди. Ундан кўз ўзмай турган қароқчи сардорининг кўз ўнгига астар ва пахталик орасига жарангламайдиган қилиб бекитилган олтин тангаларни бирма-бир олиб ерга қўяди. Унинг бу ишдан ажабланиб, соддалигидан кулиб турган сардор "Нега бундай қилдинг, агар менда олтин йўқ, деганинда ҳам ишонар эдим-ку?" деганида, ёш Абу Исо қароқчи-бошига тик қараб: "Мен онамга ҳеч қачон ёлғон сўзламайман, деб ваъда берганман", дея жавоб беради. Шунда эолим қароқчи йигитнинг нурли чехрасида ҳеч қандай қўрқув аломати йўқлигини, бильяқс қатъият ва жиддий эҳтибор эканини пайқайди. Қароқчининг ботин қалбида Худонинг иродаси билан раҳм туйғуси пайдо бўлади ва у бепоён қўл узара пароканда бўлиб турган карвонни айланиб "Ал-омон" дея қичқириб от чоптиради. Ёш Абу Исонинг қароқчи бошлиғига қилган таъсири сабаб қолганлар омон қолади, тортиб олинган моллари қайтариб берилади. Имом ал-Бухорий ҳазратлари ўз шогирди

Имом ат-Термизийни: "Сен мендан кўрган фойдадан кўра мен сендан олган фойда кўпроқдир", дея алқаганлар. Чин маънода маърифат даргалари бўлган бу зотларнинг бир-бирларига бўлган буюқ эҳтиромлари ҳам авлодлар учун, устоз-шогирдлар учун намунадир. Бу сўзининг далили ўлароқ, Термизийнинг шогирди Ал-Ҳаким Абу Аҳмаднинг ушбу сўзларини келтирмақ жоиздир: "Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий вафот этганларида Хуросонда эдим. У кишининг вафотидан кейин илм, ҳифз, вараъ ва зуҳд ботида Абу Исодек бошқа зот қолмади. Термизий муттасил ўн икки кун йиғлаганидан кўзларидан жудо бўлиб қолди ва бир неча йиллар аъмо (кўрмас) ҳолатда яшади. Инсониятнинг маънавий камолоти учун улкан мерос қолдирган Имом ат-Термизий бир кам етмиш ёшида ўз диёрида вафот этган. У кишининг қабри Шеробод туманида. Улуғ алломанинг қадамжоси юртимизнинг ўн уч асрлик тарихига гувоҳдир. Хусусан, Чингизхон бошчилигидаги мўғул босқинчиларининг Термизни забт этиши чоғида алломанинг мақбараси ҳам оёқости қилинган. Кейинги асрларда маълум маънода қайта тикланган ушбу манзил шўролар даврида батамом ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мустиқиллигимиз арафасида мақбара бутунлай нураш даражасига келиб қолди. Биринчи Президентимиз Исро Каримовнинг ташаббуси билан 1990 йилда аллома таваллудининг 1200 йиллиги нишонланиши муносабати билан ушбу меъморий ёдгорлик қайта таъмирланган эди.

Исро динига, унинг аҳомларига бўлган қизиқиш ўзига хос янги даврга кирган, соғлом диний эътиқоднинг аҳамияти янада ортган бугунги глобаллашган дунёда улуг ватандошимиз илмий меросига бўлган интилиш ҳам кучаймоқда. Аввало, ўзининг маънавий раҳнаомларига, устоз ва пирларга юксак эҳтиром кўрсатиш ҳалқимиз эътиқодига хосдир. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида улуг муҳаддис ажодимиз мангу кўним топган манзилни обод қилиш, уни бутун дунё мусулмонларининг муносиб зиёратгоҳига айлантириш ҳақида ўзининг қимматли фикрларини билдириб, тегишли топшириқлар берган эди. Айни шу фикрларга ўй-ун тарзда, Президентимиз Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий илмий марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни ҳам имзолаганди. Бу

саъй-ҳаракатларнинг натижаси сифатида қисқа вақтда аллома қабри жойлашган манзил тамомла бошқача кўриниш касб этди. 44 гектар майдонни эгаллаган бу манзилда қарийб олти ойда қилинган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга лойиқ. Имом ат-Термизий мақбараси қошида янги гўмбазли мақбара биноси, 425 намозхонни ўз бағрига оладиган муҳташам масжид, масжидга ёндош шинам кутубхона, кичик конференция зали, 300 ўринли барча талабларга жавоб берадиган ошхона, таҳоратхона каби иншоотлар зиёратгоҳнинг кўрғига кўрк бағишлаб турибди. Махмуа ҳовлисига киришда қад ростлаган улугвор дарвоза эса узок-яқин музофотларга олис-олис асрлардан бўйлаган қарвондек маҳобат билан баралла кўриниб туради. Хоразм ва самарқандлик устларнинг бунёдкорлик маҳорати ўз аксини топган ушбу макон чин маънода улуг муҳаддисга муносиб эҳтиром намунаси бўлган, десак муболага бўлмайди.

— Бир вақтлар бу ерда шундай обод манзил барпо этилади, буюқ бобокалонимизнинг қадамжосига чет эллик зиёратчилар келади, деса ишонмасдингиз, — дейди бойсулик Жўраҳон хожи Шамсиев, — Муборак ҳаж зиёратига хорижлик мусулмонлар ўзбек ҳожила-рига сизлар Имом Бухорийнинг, Имом Термизийнинг зиёратига бўлдиларингизми, деб сўраганларини, юртдошларимизнинг елкаси-дан тавоф этганларини кўрдик. Бу иззат-ҳурмат маъносини мана бундай мукаррам даргоҳда янада чуқурроқ ҳис этамиз. Барчаси учун юртпарвар раҳбарларимизга ташаккур. Бундай муносабатларнинг қадрига етишимиз керак! Бу ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Дарҳақиқат, ўз эътиқоди учун кураша оладиган, уни эъзозлай оладиган ҳалқнинг эрку мустиқиллиги ҳам дахлсиз бўлади, негаки, эътиқоди соғлом ва муқим ҳалқ, аввало, ўзлигини танигандир.

Шодмонкул САЛОМ

## ТИЛ — МИЛЛАТ ОЙНАСИ

Тошкент давлат Шарқшунослик институтида она тилимизга давлат тили мақоми берилганлигининг 28 йиллик санасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, адабиётшунос ва тилшунос олимлар, устоз-мураббийлар, талабалар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Шарқшунослик институти ректори Абдурахим Маннонов Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори она тилимиз ва миллий адабиётимизнинг ривожланишида ва бойлигида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Таниқли адиблар, олимлар ва бошқа ижодкорлар умумтоз ва замонавий адибларимизнинг бадий асарларида тил бойлигининг ифодаланиши, ёшларимизнинг она тилимизнинг соғлиғини сақлашга бўлган муносабати ҳақида сўзладилар.

Талабалар шоирларнинг она тили муқаддаслиги мавзусидаги шеърларидан ўқидилар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва бошқа таълим муассасалари, жамоат ташкилотларида ҳам тил байрамига бағишланган ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

Ахборот хизмати



Бўстам НАЗАРМАНОВ оғли сўраёт.

Икром ОТАМУРОД

## ХАЛҚИМ

...Борлиқда боқаман интизор бўлиб,  
Ўзи яратгандир борлиқни Оллоҳ!  
Халқим, борлиқнинг соғинчига тўлиб,  
Мангу асотирга айлангин, илло!

Халқим, туфроғининг бир заррасиман,  
Зарранг канглумнинг тубида мадордир.  
Пайвандинг пайвандин бир сирасиман,  
Сиранг мақсадимнинг мақсадига ордир.

Халқим, туфроғининг бир гиёҳиман,  
Гиёҳинг бағрининг бағрида тоқат.  
Гиёҳга айланган туфроқ оҳиман,  
Жовдираб-жовдираб қарайман фақат.

Халқим, туфроғининг бир имкониман,  
Имконнинг имкони кенглик сарҳади.  
Мовий кўкнинг, асил ернинг ёниман,  
Қодиру содирдан матлуб марҳади.

## ДЎСТЛИК МУШОИРАСИ

В.Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисод университетининг Тошкентдаги филиалида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган кун муносабати билан адабий тадбир бўлиб ўтди.

— Тадбирнинг мазкур даргоҳда ўтаётганидан нихоятда ҳаяжонданман, — деди Ойбек уй-музейи директори Ойну Тошмуҳамедова. — Бувам, таниқли ўзбек ёзувчиси Ойбек Санкт-Петербургдаги Халқ ҳўжалиги институтида ўқиб юрган чоғларидаёқ, Блок поэзияси билан қизиқиб қолган. Кейинчалик Пушкин шеърлятига ошно бўлиб, унинг "Евгений Онегин" романини таржима қилган.

Олий ўқув юрти талабаси Левиза Катаманова Татьянанинг Онегинга мактубидан парчани ўзбек тилида ўқиб берди. Ушбу учрашув-мушоира академик Қ.Абдурахмонов бошчилигидаги педагоглар жамоаси ва талабалар Алишер Навоий, Нодира, Увайсий, А.Орипов, Э.Воҳидов асарларидан, шунингдек, россиялик ижодкорларнинг ўзбек тилига ўтирилган шеърларидан ўқиб беришди. Рус шеърлятидан қилган таржималари мутахассислар эътиборига тушган таниқли шоир Мирпўлат Мирзо ҳайратини яширолмади: "Биз бу ерда ўзимиз учун нихоятда қадрли бўлган шеърларни тингладик. Бу шеърларни Ўзбекистонимиз келажаги бўлган университет талабаларидан эшитганимиз бизни янада қувонтирди".

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бош мутахассиси Мухта-рама Муротова, А.Қаҳқор уй-музейи илмий ходими Мадина Шарафутдинова ва бош-қалар ушбу олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиётига эътибор катта эканини таъ-кидлашди. Ўзбек Миллий академик театри директори, таниқли актёр Фатхулла Маъ-судов тадбир иштирокчиларини табриклаб, китоб билан ажралмас дўст бўлишга ча-қирди. Университет битирувчиси Мурад Жўлдасбоев "Ревизор" спектаклидан Хлес-таков монологини ижро этгани учун Миллий театрнинг мазкур спектаклига таклиф-нома билан тақдирланди.

Учрашув-мушоира сўнгида Олий ўқув юрти директори, "Ўзбекистон — Россия" дўстлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Каландар Абдурахмонов бу даргоҳда "Дўстлик жамияти" билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказиладигани, янги лойиҳалар устида иш олиб бориладигани ҳақида сўзлади.

Ф. ФАХРУТДИНОВА

## КЎНГИЛ КАЛИТИ

бирлар, юқори синф ўқувчилари учун "Тил — дил калити", "Аждодлари буюқ юрт фарзандиман", "Она тили ва адабиёти билимдонлари беллашуви", "Тил борки, миллат бор" каби мавзуларда адабий учрашувлар, давра суҳбатлари, "Асар қаҳрамонлари менинг та-савурида" мавзусида расмлар танлови ўтказиладиган.

Дарс жараёнида иншолар танлови ўтказилиб, голиблар муносиб рағбатлантирил-моқда. Фан ойлиги давомида Бухоро шаҳ-ридаги муқаддас қадамжоларга саёхатлар уюштирилмоқда. Тадбирларга таниқли олим, ёзувчи ва шоирларнинг жалб этиладигани ўқувчилар саводхонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Дарсдан ташқари тўғрарак ма-шгулотларида ҳам ўзбек тили-нинг ўзига хос хусусиятлари, лугат бойлигимизнинг сержило ва бетакорриги ҳақида ўқувчи-ларга батафсил маълумотлар бериладиган. Зеро, ўсиб келаёт-ган ёш авлодга она тилини пух-та ўргатиш, уларни тилимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва бу борадаги билимларини мустаҳ-камлаш ҳамда иқтидорини юза-га чиқариш, аввало, биз, ўқитувчиларнинг масъулиятли бурчимиздир.

Дилдора ҒАФФОРОВА,  
Бухоро шаҳар 28-  
умумтаълим  
мактаби ўқитувчиси

## ОҚДАРЁДА КЎЧМА ЙИҒИЛИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими фаолларининг Оқдарёда кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али шу йилнинг ўтган давридаги адабий ҳаёт янгиликлари ва мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар ҳақида гапир-иб, ижодкорларимиз ёзаётган асарларда бугунги куннинг шиддати, давр билан ҳам-нафаслик сезиладигани, бироқ ҳали олдин-да қамраб олинмаган мавзулар, замонамиз қаҳрамонлари образини яратишдек ижодий мақсадлар турганини ўқитиб ўтди.

— Адабиёт ва халқимиз олдидаги шараф-ли ва айна пайтда долзарб бўлиб турган ва-зифаларга ҳар бир ижодкор "лаббай" деб жавоб бериши, сўзи ва амалий фаолияти би-

ётшунос олимлар олиб боришади. СамДУ-даги "Шалоба" шеърят клуби ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида ташкил этилган "Ёшлик илҳомлари" тўғраги иши анча жонланди.

Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган кўчма йиғилишда уюшма раҳбари вилоят ижодкор-ларини ижтимоий фаолликка қақариб, китоб тарғиботи бўйича аҳоли ўртасида олиб бориладиган ишларни янада кучайтириш, вақ-ти матбуотда адабий-публицистик мақола-ларни кўпайтириш, жамиятимизда юз бера-ётган ўзгаришларга муносабат билдириш, ҳаёт билан ҳамнафас, халқ билан бирга бўлишга даъват этди.

Тадбирда сўз олган уюшма аъзоси, кекса шоир Зиёдулла Нурматов вилоятда ижодий

муҳитнинг  
жонлангани,  
курсатилает-  
ган ғам-

хўрликлар туфайли ёш истеъодларнинг сафи ортиб бораётгани қувонарли эканини таъкидлади.

— Ижодий кўтаринчилик, фаоллик ва жон-куярлик, танқидий таҳлил бугуннинг талаби, — деди уюшма аъзоси Худойберди Комилов. — Бизнинг олдимизда янги асарлар ёзиш билан бирга китобхонлик маданиятини оши-шига ҳисса қўшиш, ёшларимизни китобни севиш орқали маънавий баркамолликка да-ват этиш вазифаси ҳам турибди.

Оқдарё туманидаги дала шийпониди ўтказилган кўчма йиғилишда яна бир бор ёзувчи ва шоирларимиз доимо халқ билан бирга экани, уларнинг асарларида эзгу мақсадлар акс этаётгани боис ўқувчилар қалбига чуқур кириб бораётгани, давр қаҳрамонлари ёни-мизда яшаётгани, уларнинг улкан марралар-ни қўлга киритишда ижодкорнинг ҳарорат-ли сўзи зарурлиги эътироф этилди.

Тошпўлат ТУҒАЛОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят  
бўлими масъул котиби

## АЖАБТОВУР — «БИНОЙДАЙ»МИ ЁКИ «ҒАЛАТИ»МИ?

Онамнинг болалиги ўтган асрнинг алғов-далғовли даври — 30-йилларга тўғри келган ва ўша пайтлар қишлоқ жой-ларда таълим олишнинг имкони бўлмаган. Аммо онамиз зукко аёл эди, гаплари маънили, мақол ва маталларга бой эди. «Таом ҳар уйда-ю, мазаси бир уйда», «Ҳар ким қилса — ўзига», «Ўргатса бўлар ёш бошини, нетса бўлар қоқ бош-ни?», «Еган ичганини унутилар, кўрганнинг қолар», «Яхши топиб айтар, ёмон қопиб айтар» каби мақолларни ёшли-гимда онамдан кўп бор эшитардим.

Бугун мулоҳаза юритмоқчи бўлганим — «ажабтовур» сўзини ҳам онам кўп ишлатар ва шу сабабли бу сўз мен учун суюмли.

Одатда, маҳаллада ўтадиган никоҳ тўйларидан сўнг, онам «фалончининг келинини (ёки куёвини) кўриб кел-

дик, ажабтовургина қиз (ёки йигит) экан», дерди. Шу са-баб менинг онгимда «ажабтовур» сўзи «бинойидек», «ду-рустгина», «яхшигина» маъноларини англатув-чи сўз сифатида шаклланган.

1981 йили нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (28-бет) «ажабтовур» сўзи-нинг «бинойидай», «дурустгина» деган изоҳи ва мисол та-риқасида «Ажабтовур йигит» жумласини кўриб, ушбу сўзини тўғри тушушдан эканман, деб юрардим.

Аммо кейинги пайтларда «ажабтовур» сўзи умуман бо-шқа маънода қўлланила бошланди. Эндиликда бу сўз «ғалати» дегандай маънода кенг қўлланилмоқда. Ҳозир-ги пайтда бу сўз «таажуб», «ғалати», «кўз кўриб, қулоқ эшитмаган» каби маъноларни англатадиган сўзга айла-

### Мулоҳаза

ниб қолди. Кундалик мулоқот, радио эшиттириш ва те-лекўрсатувлар, газета ва журналларда муаллифлар «ажабтовур» сўзини «ажабланарли», «ғалати» маъноси-да қўлламоқдалар. Масалан, «Кутубхона» сўзининг ўрнига «АКМ», «АРМ» каби ажабтовур қисқартмалар пайдо бўлди», деб ёзади бир таниқли тилшунос олимимиз «Маърифат» газетасида.

Менингча, бунга «ажабтовур» сўзи таркиби-даги «ажаб» сўзи сабаб бўлса керак. Чунки «ажаб» (асли арабча) сўзи «ажабланарли», «ғала-ти», «қизиқ», «хайрон қоларли» сингари маъноларни ан-глатади-да!

Аммо Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат ил-мий нашриётида 2007 йил чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» вариантда «ажабтовур» сўзига берилган изоҳни кўриб, ҳайратини янада ошди. Таажубки, тилшу-носларимиз бу луғатда «ажабтовур» сўзига икки хил изоҳ беришибди. Биринчи изоҳига «Ҳаётнинг ажабтовур хан-

гомалари, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалари бисёр. Газетадан» деган мисол келтирилган. Иккинчи изоҳда «с.т (сифат) бинойидай, дурустгина» дейилган. Устига устак иккинчи изоҳда «Ажабтовур йигит бўлибди» жумласи ми-сол тариқасида келтирилганига нима дейсиз?

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: ўша «ажабтовур йигит»ни «бинойидай» деб тушушни керакми ёки «ажабланган-диган», «ғалати», «кўз кўриб, қулоқ эшитмаган» деб тушу-ниш керакми?


Менинг назаримда, «ажабтовур» сўзини изоҳлашда тилшуносларимиз ҳам «ажаб» сўзи таъсирига тушиб қол-ган кўринди.

Хўш, «ажабтовур» сўзининг бугунги кунда «таажуб-ланарли», «ғалати», «қизиқ» маъноларида кенг қўллани-лишининг ўзи ҳам ажабланарли бўлиб туюлмайдими?

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,  
журналист

Хайдар МУҲАММАД

## ОСМОН ТИНИҚ, ҲАВО БЕҒУБОР

ОНА БИЛАН  
ОЛАМ ГЎЗАЛ

Гул билан баҳор гўзал,  
Нур билан наҳор гўзал.  
Она билан бу олам,  
Бир эмас, минг бор гўзал.

Онали уй чароғон,  
Она ўзи чароғон.  
Она юрган йўлларда,  
Гурирар гулу райҳон.

Онам бор, осмоним бор,  
Онам бор, жаҳоним бор.  
Бағрида эркин ва шод  
Яшнаган замоним бор.

Онам берган одобим,  
Ярақлаган офтобим.  
Яхши фарзанд ўстирсам,  
Онамгадир жавобим.

## КУЗ

Шафтолилар шохи эгилиб,  
Ҳосилига кўрсатар бардош.  
Хил-хил олма турар етилиб,  
Жило бериб кетганим наққош.

1936 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1966 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатган. Шеърлари хушовоз хонандалар томонидан кўшиқ қилиб ижро этилган. Кўплаб драматик асарлари театрлар сахнасида қўйилган. Кейинги йилларда "Мен сени севдим", "Амир Темурининг туғилиши", "Бахт эшиги" номли шеърлар ва драматик асарлар тўплами нашр этилган. "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.

Ишқомларда ранго-ранг узум,  
Минг товланиб чорлар одамни.  
Келинг боққа, танилаб енг, узиб,  
Кайфин суринг гўзал бу дамни.

Қовун-тарвуз узатган полиз,  
Имо қилар кетда қолмай деб.  
Олмазордан эмасман олис,  
Меҳмон бўлиб кетинг, қовун еб.

Яшил, зангор чексиз пахтазор,  
Гўзалликдан завқланар қалбинг.  
Осмон тиниқ, ҳаво беғубор,  
Кучоғидан келмайди қайттинг.

## ЎЗИНГСАН, ЎҒЛИМ

Ишонган боғим,  
Суянган тоғим,  
Роҳат булоғим  
Ўзингсан, ўғлим.

Сўнмас чироғим,  
Севган ардоғим,  
Кўзу қароғим,  
Ўзингсан, ўғлим.

Оташ сандоним,  
Хирмонда доним,

Кулгу хандоним  
Ўзингсан, ўғлим.

Умид нажотим,  
Раво-ҳожатим,  
Шеърим ижодим  
Ўзингсан, ўғлим.

Сабрим-саботим,  
Шамшир пўлатим,  
Пўлат қанотим  
Ўзингсан, ўғлим.

Борлиқ ҳаётим,  
Борлиқ бисотим,  
Тузим бир тотим,  
Ўзингсан, ўғлим.

Феълу атворим,  
Нозик дил торим  
Номусу орим  
Ўзингсан, ўғлим.

Ҳайдархон номим,  
Шеър каломим,  
Менинг камолим  
Ўзингсан, ўғлим.

## КУЗ ТАРОВАТИ

Ойнадай тиниқдан ариқ сувлари,  
Мажнунтол кокилини силаб оқди.  
Кўкда кезган оқ булут паркувлари  
Кўзгудай сувларга нозли боқди.

Шошиб ўтиб қолар қушлар галаси.  
Янграб келар ҳавода улар чуғури.  
Олислардан келар қизлар яласи,  
Завқидир-завқидир қузининг сурғури.

Сеҳрлар даланинг сирли палласи,  
Бугун териб чиқсанг, эрта яна оқ.  
Бу оппоқ гўзалнинг ширин ҳийласи,  
Яна шу пайкалда иш кетар қайноқ.

## СУРАТ

Оқ қоғознинг тиниқ бетидан  
Гул сурати олгандек ўрин,  
Гўзал, сенинг чиройли расминг  
Чизилгандир дилга яширин.

Фурсат ўтиб сарғаяр қоғоз,  
Хираланар гулнинг сурати.  
Дилбар, сенинг суратинг эса,  
Юрагимда ўчмай туради.

ҲАКИМ САТТОРИЙ

## САМИМИЯТ ДИЁРИ

## Адиб ва жамият

бўлдим. Аммо эндиликда унинг фарзанди, давомчиси бўлган онлайнга қўл берганман. Махмудхўжа Бехбудий ҳаётига бағишлаб ёзган "Жаҳид" романимни китоб қилиб чиқарганим йўқ. Китобхонлар уни ўз блогимдан, ziyo.uz, turklib ва бошқа сайтлардан очиб ўқимоқдалар. Ўқувчилар сони 2017 йилнинг май ойигача уч минг кишидан ошган. Мазкур сайтлардаги "Фарзанд дўғитлар" китобим, "Фохия", "Нохуш ҳаёллар" сингари ҳикояларимнинг ўқувчилари, айниқса, кўп.

Азиз ватандош, ҳозиргача компютер билан дўстлашмаган бўлсангиз, талай имкониятларни бой бериб қўйибсиз. Биламан, даргоҳингизда бу сеҳрли оламни яхши ўзлаштирганлар бор. Улардан илтимос қилинг, сизга ҳам

Осмондан қараганда шаҳар гулдор рўмол ёпишиб, уйкуга кетганга ўхшарди. Тун ўз либосини бизнинг нигоҳларимиздан гўзалликни рашқ қилиб парда қилган эди

кўчалар, уларда гизиллаб олиб бораётган машиналар аниқ кўзга ташлана бошлади. Нукус ўзига хос мафтункорлиги билан қарши олди. Шаҳарга қадам қўйишдан оқ янги давр руҳини ҳис этмаслик мумкин эмасди. Бунёдкорлик манзаралари кишига хуш кайфият улашди.

гўзаллик намоян бўлади.

Қораўзак туман ҳокимлигида меҳмонларни хушнуд қилиб олишди. Майдонда либослари ўзига ярашган чакмоқдек ўқувчилар саф торган. Улар қўлларидан гулдасталарни тўхфа этар эканлар, бу учрашувни анча интиқ бўлиб кутганларини сезиб олиш қийин эмасди. Тўрда эса лоларанг қўйлак, гуллардан кашта тикилган қора жужунча қийиб олган қизлар дўторини сошлаб туришарди. Олқишларни қабул қилиб, уларга яқинлашар эканмиз, жўр бўлиб "Қорақалпоқнинг..." қўшиғини бошлаб юборишди. Туман маданият саройининг шинам зали одамлар билан лиқ тўлган. Йилганлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машраб Кимсанов, Қорақалпоғистон халқ артисти Сафаргул Давлетованинг сўзларини мароқ билан тинглашди.

Шундан сўнг китоб савдоси, китобхонлик маданияти, ижодкорлар ва мухлисларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида бироз тўхталишга тўғри келди. Бериш туманидаги 59-мактаб, Педагогика коллежи, Кўнғирот туманидаги 3- ва 21-мактаблар, яқинда ташкил этилган Тақиятас туманидаги мусиқа мактаби ва политехника коллежидидаги учрашувлар ҳам самимий, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Уларда буюк келажагимиз пойдевори ҳисобланмиш миллий кадрларимизни асраб-авайлаш юзасидан фойдали мулоқотларига ҳам имконият юзага келди, уларда кўплаб фойдали фикрлар ўртага ташланди.

Оқибатли, дилкаш, самимий кишилар улкан бунёдкорлик ишлари билан шуғулланаётгани, йирик санаот корхоналари бунёд этилаётганининг гувоҳи бўлдик. Ҳатто шўро замони иллари қатъий рад этган — "бу заминда картошка етиштириб бўлмайди", деган ҳулосани инкор қилиб, бугун картошқачилиқдан яхшигина ҳосил олинаётган экан. Куз саховати билан тўлишган далаларда юмушлар авжида. Эндиликда кўп махсулотлар хорижа экспорт қилинмоқда. Хуллас, бу ўлкани яратиб, бунёдкорлик кайфияти чулғаб олган. Яратувчи, бунёдкор халқнинг меҳри эса қайта-қайта дийдорлашуга қорайверади.

ХУРШИДА



Мухаммад Бобур бобомизнинг руҳлари мададкор бўлсин, дея яхши ният билан ташкил этилган "Бобур издошлари" номли ёш ижодкорлар тўғрагининг нафис мажлисларию мушоираларини бошқаради. "Шухрат" медали билан тақдирланган.

Хуршида Ваҳобжон кизи 1967 йили Андижонда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тахсил олган.

Шоиранинг "Алдамчи тонглар", "Изҳор", "Тажалли", "Самоинур" номли китоблари чоп этилган. Унинг сатрлари навбаҳорда ариқларнинг бўйига чопиб чиққан ялпизлардек кўнгилга яқин. Ҳазал машқ қилади. Яхши сатрлар топганида сўз устида ишлашдек заҳмату машаққатдан кўнгли яйрайди.

Шоиранинг долзарб мавзулардаги бадиий-публицистик мақолаларини ҳам ўқувчилар яхши билишади. Бундан ташқари, у Заҳириддин

ВИСОЛИҲТ ОРЗУ АЙЛАБ  
САОДАТ

Юракка куч этар тўхфа илиқ бир сўз,  
Китоб умр ўлса гар, саҳфа илиқ бир сўз.

Кўнгил тилсимларига у қалит гўё,  
Саховат саҳнидан лавҳа илиқ бир сўз.

Мунавварлиг улашгай еру қўқ узра —  
Топар равнақки ҳар жабҳа, илиқ бир сўз.

Керакмас молу зар, дунё, унутмангким —  
Муҳаббат қўйида навҳа — илиқ бир сўз.

Умиду орзу берсин кўнгилларига,  
Сочинг дил сори минг дафъа илиқ бир сўз.

## ХАБАР БЕР

Хабар бер, қайдасан, оби ҳаётимсан,  
Юракка куч бағишловчи баётимсан.

Жаҳоннинг ғамлари ортимдан эргашса,  
Кураш майдонида енгилмас отимсан.

Кўнгил ҳажр элида оҳу фиғон этмиш,  
Билиб қўйки ўзинг таскин-нажотимсан.

Ҳаёлингиз ҳаловат не билолмасман,  
Тилаклар қўшқиди учқур қанотимсан.

Ҳазал битдим, висолинг орзу айлаб,  
Ҳазал уммонида сўзган саботимсан.

Сўз очсанг гар муҳаббатдан сўз очил,  
Гўзал туйғу, садоқатдан сўз очил.

Етар энди, жудоликдан гапирма,  
Висол они — ҳаловатдан сўз очил.

Туташмас тоғ ила тоғ дерлар аммо,  
Туташ диллар — нафосатдан сўз очил.

На даркор эртагини менга, азизим,  
Ёруғ толе — саодатдан сўз очил.

Дема камёб меҳри бу жаҳоннинг,  
Мурувватдан, саховатдан сўз очил.

Ишонч отин қувиб, Хуршида толмас,  
Камолотдан, балоғатдан сўз очил.

## ЯХШИ НОМ

Кўкда булут йиғласа қун қулмагай,  
Меҳнати саз элга алам келмагай.

Шубҳа-ғумон айласа кўп жабрини,  
Васл уйида ташна кўнгил тўлмагай.

Дилини очик тутмаса ҳамдардига,  
Билки, йигит сўзида лафз ўлмагай.

Айбини беркитса киши фойда йўқ,  
Ойни этак бирла ёпиб бўлмагай.

Кимни агар яхши эди деса халқ,  
Икки жаҳон умр гуни сўлмагай.

НУСРАТ РАҲМАТ

МЕН — ОНЛАЙН  
ЎЗУВЧИМАН

Ҳозирги пайтда адабий сайтлар ва блогим(шахсий сайт)да икки романим, тўрт қиссам, ўн беш ҳикоям, юзга яқин мақолаларим бор. Уларни ҳар кунни ўн етти мамлакатдан тўрт юз нафар киши ўқимокда. Ўзбекистондан кейин АҚШ ва Россияда ўқувчиларим кўпроқ.

Мақтанчоқлик қилаётганим йўқ. Интернетда ҳамма нарсаси ҳисоб-китоби. Блогим(nusratrahmat.blogspot. com)га кирсангиз, мазкур рақамларни анчайин қамайтириб кўрсатганимга ишонч ҳосил қиласиз. Компютер ва интернетни инсоният бир замонлар оловчи кашф этганидек улкан воқеа деб биламан. У ҳаётимиз тарзини батамом ўзгартириб юборишга қодир.

Масалан, бир неча йилдан бери почта хизматидан воз кечганман. Чунки виртуал олам туфайли мактуб ёзиш, олиш сингари хизматларни бажариш ўнгай. Гарчанд, журналист бўлсам ҳамки, газета ўқимайман. Ижтимоий тармоқлар дунё воқеаларини газеталар ва ТВдан олдинроқ баён этиб қўяди. Бунинг устига деярли ҳамма газетанинг сайти ҳам бор.

Энди китобхонлик масаласи. Ҳозир жаҳон миқёсида онлайн китобхонлар сони тахминан ўттиз фоизни ташкил этмоқда. Қандайдир ўн беш йил давомида у китобхонларнинг қарийб учдан бир қисмини ўзига оғдириб олган ҳақида бош қотириб қолади киши. Ҳўш, тагин ўн беш-ўттиз йилдан кейин нисбатлар қанақа кўринишда бўлади? Электрон китобхонлар эса асосан билимли, иқтидорли ёшлар. Бадиий китоблар тиражи қарийб ўн бараварга қамайиб кетгани, шунга қарамай улар омондорлар ва китоб дўконларида йиллар оша туриб қолаётганининг босиси кўпчилик электрон китобни маъқул кўраётганида эмасмикин?!

Албатта, мен зинҳор нашриёт ва босмаҳоналар орқали анъанавий тарзда чоп этилаётган китобларнинг даврий ўтди, демократизм. Улар ҳали-ҳануз ўз оҳанрабои билан миллионлаб китобхонларнинг маънавий дунёсини бойитишда давом этмоқда.

Аслида, китобнинг биринчи ва энг жиддий рақобатчиси ТВ бўлиб чиққан эди. У ўтган йиллар давомида ўқувчиларимизнинг қарийб ярмини ўзига оғдириб олди. Эндиликда эса китоб интернет билан юзма-юз бўлиб қолди ва талай вазифаларини унга топшириб қўймоқда.

Шуни ҳисобга олмоқ керакики, компютер ва Интернет китобнинг фарзанди сифатида дунёга келди. Аниқроғи, китобларда тўпланган билим туфайли яратилди ва мантикий давомчиси ва меросхўрига айланди. Диалектиканинг шайқатсиз инкорни-инкор қонунига биноан бошланган ҳамма жараёнлар тугайди ёки шаклини ўзгартиради. Модомики, китоб электрон ҳолатга ўтаётган экан, бундан қувонишимиз керак.

Шу кунларда ТВда ва жойлардаги учрашуларда китоб тарғиботида кенг ўрин берилаётир. Аммо баҳтсизлар орасида анча вақтдан бери китоб ўқимаган, бунинг устига компютер билан ҳам дўстлашмай, уни қоралашни одат қилганлар ҳам анчагинага ўхшайди. Бир олим: "Интернетга кирадиганлар орасида ҳатто бола-чақали кишилар ҳам йўқ эмас", деди надомат билан. Хайратдан ёқа ушладим. Бу одам интернетга кирадиганларнинг ҳаммаси, ҳойнаҳой, "бемаза" сайтларни томоша қилади, деб ўйласа керак. Ҳолбуки, интернетга кирайётганлар орасида китоб мутолааси ва илмга қизиққанлар миллионлардир. Буни эътироз этмаслик дунёбеҳабарлик бўлади. Камина, ўн етти назира, икки эваранинг бобосиман. Мен тонгни Интернет билан бошлашга одатланганман. Алишер Навоийдан тортиб, яқинда китоби чиққан шоирнинг асаригача танишиш мумкин.

Ўтган асрнинг олтинчи йилларида кишлоғимизга электр симларини тортишганда уни қоралаганлар ҳам бўлганди. "Лампочкага кўп қараган боланинг йил ўтмай кўзи кўр бўлиб қолавермиш", "Симга сал тегиб кетсанг ҳам, қорайтириб ташлармиш", "Ўзимизнинг чироққа етадигани йўқ" ва ҳоказо. Аслида чироқни улуғлаш мумкин, аммо бунинг учун электр лампани ерга уриш шарт эмас! Онлайни барча бузуқ гоёлар манбаи деб қараш калтабинликдан бошқа нарсаси эмас. Маънавиятга дахли йўқ кераксиз гаплар китобларда ёки ТВда ҳам истаганингизча топилади. Қайси бир фарзандимиз интернетдан ноинсоний гоёларни юктирган бўлса, бунинг учун ижтимоий тармоқлар эмас, ўзимиз айбдоримиз!

Мен китобнинг муқаддаслиги, инсониятнинг ноёб бойлиги эканини биламан. Шу китоблар туфайли ёзувчи



ўргатишсин. Дастлабки икки-уч кун компютерни очиш ва ёпишни машқ қилинг. Кейин икки кун папкаларни очиб, беркитишни ўрганинг. Бир ҳафталардан кейин Интернет оламига мўраланг. "Қидирув" деган жойга номингиз, фамилиянгизни ёзсангиз, ўзингиз ҳақингизда қўйилмаган маълумотларни ўқиб қоласиз. Бу жуда завқли. Ижтимоий ёки адабий сайтларга (жумладан, фейсбукка) кириб, унда ишлашни ўргангандан кейин, бу сеҳрли олам сизни батамом ўзига жалб этади. Дунёқарашингиз ҳам ўзгариб боради. Жараён эса давом этаверади.

Бу борада сизга омад тилайман!

ира шаклидаги оппоқ сув белгиси бўлган. Ҳар қандай шароитда ҳам қоғозни мана шу белгисига бинаоан бошқа қоғоз турларидан, хусусан, бозорга кiritилган сохта Самарқанд қоғози деб аталган турларидан осонгина ажратиш олиш мумкин бўлган. Бу қоғоз тури мазкур кашфиётчининг ўз номи билан *Мирзо Иброҳим қоғози* деб аталган. Бу қоғоз тури XVI — XVII асрларда жуда машҳур бўлган. Унинг софипакдан тайёрланган турлари Европа бозорида олтин баҳосида сотилган. Бундай сув белгилли қоғоз тури кейинчалик Европада илк қоғоз пуллари билан пайдо бўлишига асос бўлган. Ҳамюртимизнинг буюк кашфиёти неғизда қоғоз пулларнинг пайдо бўлишига, бу эса, ўз навбатида, фақат Европа эмас, балки жаҳон иқтисодиёти ривожига кескин бурилиш қилди. Самарқанд ўзининг харидоргир қоғози билан минг йилдан ортиқ мuddат давомда дунё миқёсида шухрат қозониб келди. Фақат Урта Осиёнинг Чор Россияси истилосидан кейин Самарқанда қоғоз ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди. Урта Осиёда қоғоз Самарқанддан ташқари яна Бухоро, Кўкон шаҳарларида ва унинг теvarак-атрофида жойлашган қишлоқларда тайёрланган.

Рус адаби ва тарихчиси Н.М.Карамзин айтганидек, — ақл тарихи икки асосий даврни қолдир этди: харф ва матбаа ихтироси. Тақдим ҳамма нарсасуларнинг натижасидир. Олмани олтиндан кўра қоғоз ва кўрғошнинг кўпроқ ўзгартирди. Демак, Самарқанд қоғозикашфиёти натижасида дунё наширётчилиги шаклланди ва ривож топди. Буюк аждодларимиз томонидан кашф этилган қоғознинг Буюк илм йўли орқали Европа бозорига етказиб берилиши жаҳон миқёсида илм-фаннинг, у асосида техника ва технология тараққийётининг тез сурьатлар билан ривожланишига замин яратди. Кўриниб турарибдики, аждодларимиз кашфиётларининг жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрни бор. Бундан биз — бугунги авлод хар канча фахрлансак арзийди.

**Иброҳим йўлдошев,**  
**Алишер Навоий номидаги**  
**Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти**  
**университети профессори,**  
**филология фанлари доктори**

Тадқиқот, ахборот

# ТҮЛКҮН

мунтазам интилсагина ниятини  
 рўёбга чиқариши мумкин. Ўша  
 кезларда биз – “Навоий, 30” би-  
 носида турли жамоаларда фао-  
 лият кўрсатаётган бир неча хам-  
 фир куёвлар тушликни ҳамisha  
 шу бино ёнидаги муъжазгина  
 ошхонада қилардик, суҳбатлари-  
 миз нихотда файзли кечарди.  
 Ўша суҳбатларда Тўлқин ака ме-  
 нага юзланиб, роман таржимасини  
 бугун тўрт саҳифа олдинга сил-  
 житганини айтарди. Унинг кўзла-  
 ридан ички мамнуниятини сезар  
 экманан, бу тўрт саҳифанинг қан-  
 чалик муҳимлигини ва ҳар кун шу  
 тарзда меҳнат қилиб борилад

ниш юз саҳифадан кам бўлмас-  
англдмр. Таржмоннинг иш  
нгантазмликда кўринади, яъни агар  
да 1000 саҳифа деб фараз қил-  
таржмачиси учун 10 ой муддат  
й таърибдан бохабар бўлганам  
асарни таржима қилишга юра-  
ермайди, албатта. Ҳолбуки, таж-  
тар ўзини уринтирмаган ҳолда бир  
иб, ҳеч иккиланмасдан иккинчи-  
И. Ш устасидан кўрқад, дегани

Наш иш юз саҳифадан кам бўлмас-  
англардим. Таржимоннинг иш  
интрузионлиги кўринади, яъни агар  
да 1000 саҳифа деб фараз қил-  
сак таржимаси учун 10 ой мuddат  
иш таърибидан хоҳабар бўлганам.  
Аммо таржуманинг асарни таржима қилишга юра-  
рмайди, албатта. Ҳолбуки, таъ-  
риб ўзини уринтирмаган ҳолда бир  
қўл билан, ҳеч иккиланмасдан иккинчи-  
ни иш устасидан кўрқади, дегани  
мисол.

Таржимоннинг йирик асарлар таржи-  
мавийдан бўлсак, у иход йўлининг  
йўлида ўнга яқин йирик романини  
кам. Жумладан, Иван Вазовнинг  
«Белла Иллашнинг» «Карпат таро-  
нари Зарянинг» «Довуд Сосун-  
эпоси ва бошқа асарларнинг ялпи-  
ни» чамалаб кўрсак, 200 босма  
атрофида бўлади. Агар бу ҳажми-  
да тасаввур қиладиган бўлсак,  
саҳифани ташкил этади.

«Япон» наъриётида баракали иход  
у ҳажон халқлари эрталарини  
у, уларни 40 дан ортқ номда чет  
қилматли фаолияти хақида гап кет-  
жиҳатини айтиш лозим. Бу унинг  
таржмон ишларига нисбатан муҳа-  
ралабчанлигида ва ўзининг таржи-  
манатқорона услубида аққол кўзга

Таржимонларнинг устози саналувчи  
қодини «Жаҳон адабиёти» журна-  
лиз, у киши билан иход силари-  
из ва бу заҳматкан ихсонда рўҳи  
қўнгилни ёритувчи сўз санъати  
амин бўлганмиз.

Тўлқин ака табаруқ ёшда. Лекин  
таъриб иходжорларга хос фидойилик  
ду боисдан устозга ҳавас қилиб,  
қўллик ва бардамлик тилган ҳолда,  
кам ёш, сиз кўрган ҳурмат-эти-  
қелаетин шогирдларингизга ҳам  
имиз келади.

**Мирпўлат МИРЗО**

# ШУ КИТОБНИ МЕНГА БЕРИНГ!

## Камол эт касбким

## Умр ибрати

Барно СУЛТОНОВА,  
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”  
мухбири

## “САБО, КЕЛТИР ХАБАР...”

Йўллар... Равон ва кенг... Машина ойнасидан далаларга, боғларга нигоҳ соларканман, руҳиятнинг шаффоф манзилларидан болаликнинг беғубор нафаси, шижоати йўрилган Санобарнинг қувноқ овози эшитилгандай бўлди:

**Сабо, келтир хабар  
қишлоқларимдан,  
Безанган гулшанимдан,  
боғларимдан.**

Шаҳарга яқинлашганимизда Санобарнинг тўлқинли овози эшитилди:

**Анджоним, гўзал шахрим,  
гулларга консан,  
Шўх йигитлар, барно қизлар —  
хурларга консан.**

Хаёлимда юракни ҳайратга чулғайдиган фикрлар чағалайдек айлана бошлади. Гўё Санобар ўттиз олти йил аввал Андижоннинг ранг-баранг гулларга бурканишини сезгандай, бола қалби, беғубор туйғулари билан бугунги БАТАН манзараларини тасаввур қилгандай...

Таниқли санъаткорлар — Санобар Раҳмонова ҳамда Илхом Жўраевнинг хонадони Асакадан ўн беш километрча олисдаги Қайрағоч қишлоғида. Оддий, саранжом-сармашта ҳовли-жой. Сўри ток, ишком, ҳовли сахнини кўриб дил яйрайди.

\*\*\*

XX асрнинг 70-йиллари охири, 80-йиллар бошидаги Ўзбекистон қўшиқчилик санъати гўнаҳлари оламини Санобар Раҳмоновасиз тасаввур қилиб бўлмасди. Унинг майин, юрак тубига етиб борадиган, баҳор ҳавосидек ҳаётбахш овози болалар ва ёшларнигина эмас, катталарни ҳам ўзига ром этган эди.

Хонанда бизни самимий қаршилади. Қўшиқ қуйлаётганда оҳангларга уйғунлаштириб мухлисга ҳаёда этадиган табассуми ҳалиям ўзига ярашиб турибди. Илҳомжоннинг қадди-қомати келишган икки ўғли — Ислонбек ва Ихлосбек онаси билан бизга пешвоз чиқишганда оиладаги эҳтиром ва яқдиллики ҳис этдик... Салкам икки соат суҳбатлашдик...

\*\*\*

— Санобархон, санъат оламига кириб келганингизда анча ёш эдингиз, аммо жуда тез довруғ қозондингиз. Ўша шухулки даврлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Учинчи синфдалигимда синф раҳбаримиз, мукаддас Носиржон ака Мирзараҳимов овозимни тинглаб, бир-иккита қўшиқлар ўргатди. “Санъат гўнаҳлари” танловида қатнашдим. 5-синфдалигимда устоз Гуломжон Рўзиевга овозим ёқиб қолди, шекилли, Олимжон Холдор сўзи билан “Анджоним, гўзал шахрим” қўшиғини ўргатди. Бу қўшиғим кўпчиликка маъқул келди. “Мархабо, танлантар” республика кўрик-танловида қатнаш-

дим. Афсуски, ёшим кичик бўлгани учун танловдан ташқари иштирок этдим. Хайъат аъзолари таркибида Ўзбекистон халқ шоири Тўроб Тўла бор экан, қўшиғимни эшитиб, “Рўйхатда бўлганда энг юқори балл берган бўлардики”, деди. Танловдан қайтганимдан кейин туманлар, вилоятларда ўтказилган нуфузли тадбирларда қатнашдим. 1973 йилдаги воқеа ҳаётимда туб бурилиш ясади, десам хато бўлмайди...

Асакада пахта терими олдида вилоят қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлди. Кенгашда Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов ҳам иштирок этаётган эди. Тадбир тугатгандан сўнг вилоят санъаткорлари катта концерт берди. Навбатини келганида “Анджоним...”ни қуйлаганимдан кейин тинимсиз, гуддур-рос қарсақлар бўлаверган, “Онажоним” қўшиғини ҳам ижро этдим. Шароф ота эшитиб, “Бу қизимиз Халима Носировадан кейинги ноёб талантимиз экан, унга ёрдам беринглар”, дея раҳбарларга тайинлабдилар.

**1974 йил 1 январь кuni “Куйла, Санобар” фильм-концерти Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга узатилди. Очиги, бу менинг ҳаётимда чуқур из қолдирган, болалик ва ёшлик орзуларим мужассам бўлган, халқимизнинг оддий чўпон қизига кўрсатган муруввати эди. Фильм мени бутун Марказий Осиёга машҳур қилиб юборди.**

Чин маънода омадим келди. Қаргас бормас, одамлар олиқшлар билан кутиб олишар, қўшиқларимни берилиб тизиларди. Бир неча кундан сўнг “Ўзбектелефилм”дан режиссёр Ҳожимурод Иброҳимов келиб, ҳамкорликда ишлаш бошладик. Ўн бешта янги қўшиқ ўргандим.

Тўғриси айтганда, Санобар у вақтларда мусика, нота, шеър, ритм, овоз нима эканини яхши билмасди. Фақат чин юракдан, самимий, завқ-шавқ билан қуйлашни, гўзал туйғуларини қўшиқларда, бетақор оҳангларда ифода этишни биларди, холос...

Устоз санъаткор Гуломжон Рўзиев, режиссёр Ҳожимурод Иброҳимов хонанданинг истеъдод қирраларини очиб, имкониятларини рўёбга чиқариш учун яхши ният билан ҳаракат қилишди. Бадиий кенгаш ҳар бир сўз, мусиқани чиғирдиқдан ўтказди, саккизта қўшиғини “Устозлар”, “Сабо, келтир хабар...”, “Ёшлигим”, “Анджоним...”, “Пахтакорлар” Ўзбекистон радиоси фондида ёзишга рухсат берилди. Сўнг шу қўшиқлар асосида “Куйла, Санобар” деб номланган фильм-концерт яратишга киришилди. Фильм лавҳалари Андижон, Ширмон-булоқ, Боғишамол, Олоғ тоғларида, Тошкентда суратга олинди.

Ҳали ўн тўртга ҳам тўлмаган қиз бир олам таассуротлар, завқ-шавқ, беғубор орзу-истаклар билан жонанжон мактабига қайтганда унга ҳавас қил-

маган, шодлик ва қувончига шерик бўлмаган мактабдоши, ҳамқишлоғи қолмаган эди.

— Ниҳоят биз ва устозлар, минглаб мухлислар орқиқиб кутган лаҳзалар келди, — дея давом этди Санобар. — 1974 йил 1 январь кuni “Куйла, Санобар” фильм-концерти Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга узатилди. Очиги, бу менинг ҳаётимда чуқур из қолдирган, болалик ва ёшлик орзуларим мужассам бўлган, халқимизнинг оддий чўпон қизига кўрсатган муруввати эди. Фильм мени бутун Марказий Осиёга машҳур қилиб юборди. Тожикистон, Қирғизистон, Озарбойжон ва республикамизнинг барча вилоятларидан даст-даста хатлар келарди. Ҳатто айрим кунлари ярим қоп хат олардим. Дил эҳзорлари битилган бир неча қоп мактубни ҳозир ҳам сақлайман. Ўша пайтлар ёшлар қўшиқларим-

ни магнитофонга ёзиб олар, радиодан тез-тез қўшиқларим янграб турарди. Афсуски, бир ой ўтгач, киш кунлари қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Врачлар кеч куздаги пахта теримидори сепилган майдонда пахта териб, сув ичиши натижасида интерлама бўлган, дея ташхис қўйишди. Касалхонада анча даволандим. Тадбирларда, танловларда иштирок этолмадим. Ҳақиқий ахволи билмаганлар: “Онаси ўғай экан, сурғи бериб қўйибди, овози чиқмай қолибди” дейишибди, ҳатто “Санобар ўлиб қолибди”, деган миш-мишлар ҳам тарқалган экан...

Даволаниб чиққангидан кейин яна ўқишга, қўшиққа қайтдим. Фильм-концертни кўрган Шароф ота “Оддий чўпон оиласи экан, бу қиз санъат билан шуғулланиши учун яхши шароит яратиб беринглар, катта бўлса Москвага ўқишга юборамиз”, деган экан. Бизга катта, чиройли уй қуриб беришди, ўзимга янги пианино совға қилишди. Қўпчилик иштирокида уй тўйи бўлди. Пойтахтдан келган фильм режиссёри Ҳожимурод Иброҳимов кетар чоғида Тошкентда бўладиган фильм тақдироти ва мухлислар билан учрашувга таклиф қилди. Икки-уч кундан кейин Тошкентга бордим. “Билимлар уйи”да икки кун давомида учрашув бўлди. Залга одам сиймади. Қўшиқлар қуйладим, қарсақлар зални титратиб юборди. Кейин телевидениега,



“Қизлар давраси”га таклиф этишди. Иккала тадбир ҳам тез кунда эфирга узатилди.

Олам-олам орзу-умидлар билан ижод осмонида булбул мисол қарх уриб қуйлаётган ёш истеъдод соҳибаси ўша даврнинг турфа хил синовлари, адолатсизлик, ноҳақликлардан жабр кўрди. Аммо ойни этак билан ёпиб бўларканми? Санобар Раҳмонованинг истеъдод булоғи яна мавҳлабди, денгиздек жўшди.

— 1979 йили вилоятда янги очилган филармонияда ишлаш бошладим. Илҳом ака Жўраев билан турмуш қурдик. Айримлар турмуш ўртоғи сахнага чиқармай қўйди, дейишади. Бу нотўғри гап. У кишининг ёрдамида кўплаб қўшиқларимни халқимизга тақдим этдим. Мустақиллик даври мен учун омадли келди. Бир неча марта телевидениега чиқдим. Ана шундай чиқишлардан бири — “Тараннму” кўрсатувиде оиламиз билан иштирок этдик. Ҳозирда имкон қадар халқ хизматидаман.

— Кўрсатувда сиз билан “Устозлар”ни қуйлаган Хонзадабегим ижросидан қониқдингизми?

— Яхши айтди, бу ёш ижрочи хонанда Аслиддин Дўстоннинг қизи. Омадини берсин, санъати билан халқимизга ҳикмат қилишига, ижодда баланд чўқиқларни забт этишига тилакдошман.

— “Устозлар” қўшиғининг ниҳоятда машҳур бўлиб кетгани сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Менимча, қўшиқнинг муваффақиятли чиқиши шеър мазмунини билан мусиқанинг ҳамоҳанг келганида бўлса керак.

— Қўшимча қилмоқчиман: овозда меҳр ва эҳтиромнинг болаларга хос мунислик билан ифодаланиши ҳам бунга омил бўлган.

Назаримда, устозлар ҳақида унга ҳам, ундан кейин ҳам бундай ажойиб, гўзал ва тароватли қўшиқ яратилмади. Ҳозир ҳам у устозларни мадҳ этувчи қўшиқларнинг гултоғи бўлиб турибди.

**Боқий МИРЗО,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уйюшмаси аъзоси**

## РАҚСИМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Ўзбек рақсининг турли йўналишдаги бой анъаналарини тиклаш, уларни замонавий санъат ва хореографиянинг илғор ютуқлари билан бойитишга ҳизмат қиладиган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, ўзбек миллий рақсини кенг омалаштириш, тартиб қилиш ҳамда янада ривожлантириш бугунги кунда ушбу соҳа вакиллари олдида турган долзарб вазифалар.

Ўзбекистон Маданияти вазирлиги “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси бу борада бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, сентябрь ойида “Миллий рақс санъатининг ривожланиш тарихи, долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари” мавзuida ўтказилган илмий-амалий конференция муҳим аҳамият касб этди. Мазкур тадбир давомида айтилган фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, мутахассислар билан фикрлашиб, кунни кеча “Туркистон” саройида йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда миллий рақс усталари, профессор-ўқитувчилар, балетмейстерлар, бастакорлар, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда билдирган фикр-мулоҳазалари асосида Маданияти вазирлиги “Ўзбекконцерт” муассасаси қошида жамоатчилик асосида “Устоз ва шоғирд” миллий рақс маркази ташкил этилди. “Мазкур марказнинг асосий вазифаларидан бири Фарғона — Тошкент, Бухоро ва Хоразм миллий рақс мактаблари йўналишларини ривожлантириш, ёш ва устоз раққосларга, ансамблларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Шунингдек, таниқли раққос ва раққосалар, устоз бастакор ва созандалар ҳамкорлигида амалий машғулотлар, ижодий суҳбатлар, маҳорат дарслари ўтказилади. Қолаверса, марказ нафақат ўзбек миллий рақс санъати, балки жаҳон халқлари рақсларининг ҳам репертуарда мустаҳкам қарор топишига, уларни ҳар томонлама тартиб этишга қўмаклашди”, деди Миллий рақс ва хореография бўлими бошлиғи А.Раҳимов.

Марказ раёсати таркибида Қизлархон Дўстмухамедова, Қодир Мўминов, Маммура Эргашева, Малика Аҳмедова, Қарима Узоқова, Зухра Ғозиева, Муборақ Мирзаева каби устоз санъаткорлар, етуқ мутахассис ва санъатимиз даргалари бор. Марказга Малика Аҳмедова раис этиб сайланди. Шунингдек, қатор таниқли раққос ва раққосалар, созанда, бастакорлардан иборат Ижодий гуруҳ ҳам “Устоз ва шоғирд” миллий рақс маркази фаолиятига ўз ҳиссасини қўшади. Яқин-яқингача сахналарда ҳам, телеэкранда ҳам раққос ва раққосларнинг моҳирлик билан ижро этган миллий ҳамда жаҳон халқлари рақслари тез-тез бериб бориладилар. Афсуски, сўнгги йилларда бу йўналишда турғунлик юзага келди. “Яккахон раққослар мактаби” ҳамда Ўзбекистон халқ артистлари К.Дўстмухамедова, М.Эргашева, М.Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар З.Ғозиева, Н.Шерматов раҳбарлигида рақс мактабларининг ташкил этилиши мавжуд калмаклигини барҳам топишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Ўзбекистон халқ артистлари Гавҳар Матқубова ва Вилоят Оқилова Хоразм ҳамда Бухоро рақс мактаблари бўйича балетмейстер-маслаҳатчи сифатида фаолият олиб бориладилар.

Тадбирнинг назарий қисмида қўрилган масалалар юзасидан мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

**Ўз ахборотимиз**

## КЕНГАШЛИ ТҶЙ ТАРҚАМАС

Замонавий ўзбек киносиде учраётган айрим муаммолар она тилимизнинг ижодий имкониятларидан тўғри фойдаланиш билан бевосита боғлиқлиги сир эмас. Пойтахтимиздаги Киночилар уйида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 28 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Ўзбек тили ва миллий кино муаммолари” мавзусидаги анжуман шу масалага бағишланди. Унда соҳа мутахассислари, хусусий кино вакиллари, киношунос ва тилшунослар иштирок этишди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори биринчи ўринбосари, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев кино санъатининг жамият, айниса, ёш авлод маънавиятига таъсирини оширишда тил муҳим тарбиявий восита сифатида хизмат қилишига эътибор қаратди. Она тилимизнинг софлиги, гўзаллигию теранлигини асраш ишига кино ижодкорлар ҳам масъул. Анжуман давомида маъруза қилган филология фанлари номзоди Раҳмон Қўчқоров, киношунос Ойбек Бейсал ўғли, ёш санъатшунослар Бахтиёр Ёқубов ҳамда Анвар Исмоилов бадиий фильмларда учраётган тил гализликлари, уларнинг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритишди. Мавжуд муаммони ҳал этиш учун сценарийларнинг ёзилиш савияси, дубляж ҳамда таржима жараёнига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам кинода сўз қўлашнинг ўзига хос қоидалари ҳақида гапирди. Ёш сценарийнавислар уларни профессионал даражада эгаллаши, кўпсўзликка берилмай, фикрни аниқ ва лўнда ифодалашни ўрганишни лозим. Сўнгги йилларда бу масалада нафақат тижорат фильмлари, балки истеъдодли режиссёрлар суратга олган муаллифлик картиналарида ҳам жиддий камчиликлар кўзга ташланмоқда. Бу сценарий муаллифлари билан бирига режиссёр, актёр ва муҳаррирлар зиммасига ҳам жиддий масъулият юқлайди. Сценарий ёзилишдан тортиб бадиий фильмнинг номланишига қадар бўлган жараёнда тажрибали филолог ва тилшунослар иштироки бугун муҳим эҳтиёжга айланган. Анжуман давомида миллий кино санъатимиз билан боғлиқ бошқа муаммолар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли таклифлар ўртага ташланди. Тадбир иштирокчилари бу каби анжуманларни мунтазам ташкил этиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излашга келишиб олишди.

**Ўз мухбиримиз**

### Санъат нашрларида

**“TEATR”  
2017 йил, 5-сон**



Журналнинг янги сони Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Дўстлар клуби”нинг мамлакатимиз театрлари фаолиятидаги ўрнига бағишланган М.Мўминованинг “Дўстлар клуби”нинг илк сарҳисоби” сарлавҳали мақоласи билан очилади. Унда Ўзбек миллий академик драма театри, республика Сатира театри ҳамда Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида амалга оширилиши режалаштирилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилган. М.Тўлаҳўжаеванинг “В поискх собственной идентичности”, Соиб Мирзониинг “Битирувчилар муаммоси” таҳлилий мақолалари журнал ўқувчиларини сахна санъатимиздаги долзарб масалалар ҳақида мулоҳаза юритишга қорлайди. О.Ризаевнинг “Москва Бадиий театри Тошкентда” мақоласида рус сахна усталарининг юртимизда ижодий сафари ва шу сафар доирасида намойиш этилган “Уй” ҳамда “Тарози” спектакллари таҳлил қилинган.

Шунингдек, журналнинг бу сонидан Г.Холликулованинг “Миллийликни қалбларга сингирдирган устоз”, Э.Уриновнинг “Ижодкор бахти”, Х.Ниёзованинг “Бадиий кинода замондош сиймоси таълими”, О.Азизованинг “Гоголга янги имзо”, Татьяна Осинанинг “Темир ногора” сингари мақолалари ҳам ўрин олган.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида сўз тўғрисида шундай байт бор:

**Сўз гавҳаредурки, рутбасининг  
Шарҳидадур аҳли нутқ ожиз.**

Яъни “Сўз бир дур, унинг дарёси кўнгилдир, сўз шундай ажойиб гавҳарки, унинг мартабасини аниқлашда нутқ ожиз”. Бу шоҳ байтни олишдан мақсад бугун ўзбек театрлари сахнасида сўз ва унинг кадр-қимматиға бўлган эътибор ҳақида фикр юритишдир.

Саҳна нутқи актёрнинг ижрочилик услубини белгилашда ҳамisha алоҳида аҳамият касб этиб келган. Чунки актёр асарининг гоёвий мазмунини, воқеалар ривожини, персонажлар ўртасидаги ўзаро тўқнашув ва курашни тўқис, ҳаётий тарзда томошабиннинг кўз ўнгига да тасвирлаш жараёнида нутқ воситаларидан кенг фойдаланади. Зеро, бугун театрларда сахналаштирилаётган ҳар бир спектаклнинг ижодий етуқ, гоёвий ўткир, бадиий баркамол бўли-

А.Ориповнинг “Соҳибқирон” спектаклидаги Амир Тему́р (Эркин Қомиллов) ва Йилдирим Боязид (Теша Мўминов) ўрта-таста жангдан сўнг бўладиган учрашув сахнасини олайлик. Бу оддий сахна эмас, икки мусулмон давлатининг икки ҳукмрони: бири мағлуб, бири ғолиб ҳолатда. Саҳнада жимлик, бир оғиз гап йўқ. Боязид бир маромда Тему́рга жовдираб қараб туради. У тез-тез ютинади ва тез-тез нафас олади. Икки томонидан соқчилар арқонни узун тортиб уш-

## СЎЗ — ГАВҲАР

шини таъминлашда актёрнинг қадди-қомати, хатти-ҳаракати, маҳорати билан бирга нутқи ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сўз қанчалик рост ва таъсирли бўлса, қўзланган мақсаднинг амалга ошиши шунчалик осон кечади.

Афсуски, ҳозирги кунда сахнада тил ва талаффуз масаласида қатор муаммолар бор. Сўз ишлатишда оҳанг томошабинни жалб қилишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Аммо замонавий маиший мавзулардаги спектаклларда актёрларнинг ўзлари-дан сўз қўлиши, битта сўзни бир неча бор қайтариши, шевада гапириш ҳолатларида бир хиллик, бақирш оҳанглари кишини ташвишга солади. Кейинги пайтларда ёшлар орасида ҳар бир гапда “бор-у” сўзини қўшиб гапириш одат тусига айланиб бормоқда. Масалан, “Ман кўчада юрсам бор-у, ҳамма манга қарийди-дэ бор-у”. Гапдаги бундай мантисизлик беамалол сахна асарларида ҳам ишлатилмоқда. Ёки тажрибали, машҳур актёрлар орасида ўзбек тилидаги “деди”, “деган эди”, “десам” сўзлари ўрнига “дд”, “дганд”, “дсам” тарзида, “керак” сўзи ўрнига “керей” каби ғализ сўзларнинг қўллинишига нима дейсиз? “Х” ва “х” товушлари талаффузда умуман фарқ сезилмайди. “С”, “з”, “ш”, “ч” товушларининг нотўғри талаффуз қилиниши ҳам сахна нутқидаги муамма бўлиши мумкин.

Шу ўринда ўзбек театрнинг атоқли режиссёри ва сахна нутқи устаси Манон Уйғур фаолиятини эсламасдан илож йўқ. Устоз шундай ёзади: “Айрим спектаклларда драматургининг сўз услубига актёрлар рия қилмаёттир, улар сўзини томошабинга жонли равишда етказмаёттир... Бундан ташқари, таржима асарлар қўйилганда сўз оҳангига рия қилмаслик ҳоллари учрайди... Таржимада ҳар бир сўзнинг оҳанг ва бо-симлари оригиналдаги маънода, ўша мудидага мувофиқлаштирилиб берилиши керак. Яъни эмоционал интонация сақланиши зарур.” Уйғур анъаналарининг содиқ давомчиси Етим Бобожон театрда ягона адабий тил талаффузини таъминлаб, актёрларга ўзбек тилига хос нозик ифода воситаларини сингирдирган. У актёрларнинг тилидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун курашган. Шунинг учун ҳам бу устозлар сахнага қўйган спектакллар ва уларда рол ижро этган актёрлар халқ назарига тушган.

Тил ва талаффуз масаласида яна шунини таъкидлаш жоизки, асар қаҳрамонлари нутқида уларнинг ижтимоий ахлоғига боғлиқ равишда адабий тил ва адабий тилга хос бўлмаган барча унсурларни қўллаш мумкин. Қаҳрамонларнинг характери нутқи акс эттирилган матнларда адабий тилга хос бўлмаган — оддий сўз ва иборалар, шева ва жаргонлар ҳам бирдек ишлатилади. Фақат уларнинг ишлатилиши ўрни борлигини унутмаслик керак.

Саҳна асарларидаги яна бир муаммо актёрларнинг нутқ орқали ифодаланмайдиган воситалардан (имо-ишора, хатти-ҳаракат ва ҳоказо) самарали фойдалана олмаслиги билан боғлиқ. Шу боис бўлса керак, актёрлар овозида бақирш, хатти-ҳаракат ва имо-ишораларда паллартишлик сезилади. Актёрларнинг барча хатти-ҳаракати эшитиш ва қўриш билан боғлиқ. Шу сабабли актёрнинг маҳорати, ролни қандай талқин қилиши унинг ҳаракатлари ва нутқида намоён бўлади. Баян қўришга мўлжалланган сахна ҳаракати айнан сўз билан айтиш мумкин бўлган ҳолатни ифодалайди. Масалан, нигоҳ ана шундай воситалар жумласига қаради. Чунки мулоқот жараёнида сўздан ташқари кўз ҳам иштирок этади ва кўп ҳолларда сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган ҳодисаларни ифодалайди. Масалан, 1996 йил Миллий театр сахнасида режиссёр О.Салимов, расом Б.Тўраев томонидан сахналаштирилган

лаб олган, актёрнинг гавдаси биров олдинга энгашган ҳолда, жони қийнаса ҳам “Тему́р менга қандай жазо берар экан”, деган маънода қимирламай, бир кўзини қийшайтириб қараб туриши Тему́рни ларзага солади. У бу ҳолатдан қўчиб кетади: “Эй воҳ! Бу не ҳол? Унинг қўлин ечинг дарҳол. Ахир, Шоҳ-қул” дея ҳайратдан ўзига келолмайди. Мазкур мисол сахна санъати учун нигоҳнинг аҳамияти қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Масаланинг иккинчи томони шундаки, актёр ижро жараёнидаги қарашлари, қаерга, қимга ва қандай нигоҳ ташлаши

қаҳрамон руҳиятини охишга қўл келлади. Афсуски, актёрлик маҳоратиға оид ри-солалар ва қўлнамалар, дарслик ва мақолаларда бу масалага деярли эътибор берилмаган.

Яна бир долзарб муаммо замонавий, интеллектуал актёрлар тарбиялашда ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилишидаги сусткашлиқдир. 2015 йил ноябрь ойида юртимизда Шекспир асарлари мотивларига бағишланган фестивал ўтказилган. Тадбир доирасида Англиянинг “Глобус” театри Ўзбек миллий академик театрида “Гамлет” спектаклини икки кун намойиш қилди. Спектаклдан сўнг юртимиздаги барча театрлар директорлари, малакали режиссёрлар, институт профессор-ўқитувчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатда, айниса, ўзбек драматурглари ва режиссёрларининг спектаклни сахналаштириш жараёни, актёрлар билан ишлаш услуби борасидаги мулоқоти кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Давра суҳбатининг иккинчи қисмида замонавий услублар асосида актёрлар, педагоглар ва инглиз мутахассислари ўтказган тренинг машғулотлари ижодкорлар учун янгилик бўлди. Саҳна нутқининг қудрати тўғрисида Майкл Керри шундай деди: “Бир асар бир неча тилларда ижро этилиши мумкин. Масалан, ирланд тили қандайлигини театрга келиб, бирорта актёрнинг нутқи ва овозини тинглаб билиш мумкин. Ўзбек тилининг хусусиятлари қандайлигини билиш учун театрга келиб, жонли нутқда эшитгим келди. Бу жуда қизик. Ҳар бир миллатнинг тилини эшитиш менинг доимий орзуим. Профессонал сахна нутқи орқали тилининг хусусиятини намоён этиш актёрдан, эшитиб роҳатланиш эса томошабиндан. Театр шунга хизмат қилади. Спектаклларингизни кўриб, ўзбек тили мусиқий, жозибали эканига амин бўлдим”. Мазкур тадбир бошқа халқлар театрлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини изчи йўлга қўйиш ҳар томонлама манфаатли эканини кўрсатди.

Ҳозирги кунда сахна нутқининг энг юқори чўқиқси ҳисобланган бадиий ўқиш санъати анча орқда қолиб кетди. Шунинг учун тарихий, замонавий мавзудаги асарларни кўпроқ ўқиш, уларнинг энг сараларини томошабинга бадиий ўқиш

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ва Мўйноқ туманида "Орол балиқларидан 99 турдаги таомлар" деб номланган гастрономик фестивал, "Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши" экофестивали, халқ шоирлари Бердақ ва Ажиниёз ижодига бағишланган шетрий-мусликий фестиваль бўлиб ўтди.

Тадбирларнинг очирилиш маросимида иштирокчилар Қорақалпоқ академик мусликий театрининг симфоник оркестри ижросида янграган мусиқа садолари остида И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ санъат музейидаги ноёб асарлар билан танишишди. Шу кун бўлиб ўтган илмий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари К.Оқилова, техника фанлари номзоди Х.Назаров, Қорақалпоғистон Туризмни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Б.Қусеёев, Қорақалпоғистон Нуроний жамғармаси раиси Ш.Уснатдинов Мўйноқ туманида ўтказиладиган фестивалларнинг аҳамияти, Орол бўйининг гастрономик тур салоҳияти, ушбу республикада туризмни ривожлантириш омиллари ҳақида маъруза қилишди. Шунингдек, анжуманда Бердақ ва Ажиниёз ижодига, Орол ҳудудидagi экологик шароитга, Мўйноқ туманидаги ичимлик сувининг сифатига бағишланган маърузалар тингланди.

Мўйноқ туманининг Кўксув кўли бўйида республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон ва унинг туманларидан келган маҳоратли, ёш ҳаваскор ошпазлар иштирокида ўтган халқаро гастрономик фестивал кўпчиликти қизиқтириб уйғотди.

"Очиқ осмон ортидаги кемалар музейи" ёнида ўтган халқаро экофестивалда умумтаълим мактаби ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари фаол қатнашди. "Қушлар байрами", "Ер юзидаги сувни қўриқлаш", "Сайёрамиз сувини муҳофаза қилиш"га бағишланган кўргазмалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тасвирий ва амалий санъат усталари ҳамда иктидорли ёшларнинг табиати асраш мавзuida-ги, шоир ва ёзувчилар иштирокидаги китоб кўргазмалари низоҳатда гавжум бўлди. Хунармандлар, тадбиркорлар, туризм фаолияти билан шуғулланувчи фирма ва

ташкilotлар иштирокида ўтган савдо ва ижодий кўриклар соҳа ходимларининг келгуси ишлари ривожига ҳисса қўша ажабмас.

Халқ шоирлари Бердақ ва Ажиниёз ижоди асосида ўтган шеърий-мусликий халқаро фестивал давраси янада кенг бўлди. Мўйноқ туманидаги Марказий майдонга республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманларидан таширф буюрган таниқли шоир-ёзувчилар, фольклор-этнографик, бадий ҳаваскорлик жамоалари, миллий ва аънавий куй-қўшиқ ижрочилари, театр соҳаси вакиллари, адабиёт, санъатга ихлосманд ёшлар том маънода маданият ва маънавият байрамининг гувоҳи бўлишди. Айниқса, қорақалпоқ халқининг урф-одати, аънавлари, маданиятини акс эттирган мусликий ва театрлаштирилган сахна кўринишлари, шеър, ўлан, лапарлар, бахши-жировлар ижролари, миллий либослар, ўтовлар намоиши, туялар карвони билан уюштирилган тарихий кўринишлар қатнашчиларга завқ-шавқ бағишлади.

Фестиваль доирасида, шунингдек, Қашқадарё вилоят мусликий драма театрининг "Танҳо қайик" спектакли намоиши бўлиб ўтди. Таниқли ёзувчи Эркин Аъзамнинг драматик воқеаларга бой асари асосида режиссёр Фарҳод Жумаев сахналаштирган спектакли томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирлар якунида фестиваллар доирасида ўтказилган турли танлов ва лойиҳаларнинг ғолиб ҳамда совриндорлари ташкilotчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ушбу фестиваллар байрами Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг таниқли санъаткорлари, ёш эстрада хонандалари иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

Ўз ахборотимиз

## ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗСА

Олмалик кон-металлургия комбинати ва Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилган "Дўстлар клуби" режадаги ишларни амалга оширишга киришди. Ҳамкорликнинг ilk намунаси сифатида комбинат томонидан институтида замонавий янги футбол майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг очирилиш маросимийда комбинат жамоаси вакиллари, институти профессоур-ўқитувчилари, талабалар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан институти раҳбари Г.Холиқулова "Дўстлар клуби" амалий ишга киришганидан ўқитувчилар ва талабалар низоҳатда макнун эканини айтиб, ҳомий ташкilotта миннатдорлик билдирди. Шундан сўнг факультетлару футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу майдончада нафақат футбол мусобақаси, балки волейбол ва баскетбол ўйинлари, очик майдонда ўтказилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар — беллашувлар, кўнгилоллар дастурлар уюштирилиши талабаларни хурсанд қилди. Чунки майдон юқорида айтилган тадбирларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, жуда қулай ва кўркам қурилган. Ёнг муҳими, турли олий ўқув юртлири талабалари ўзаро мулоқот қилиш, ҳамкорликда билимларини бойитиш имконига эга бўлишди.

Шаҳноза РУСТАМАЛИЕВА,  
институти талабаси

**Даврий нашрларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуддаги барча почта алоқа бўлимлари орқали обуна бўлинг!**

Тел.: 237-09-54, 233-08-34  
e-mail: gayazova@post.uz  
Веб-сайт: www.pochta.uz

**«Ўзбекистон почтаси» АЖ**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

### ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

### «ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ - КЕЧА ВА БУГУН»

### МАВЗУСИДА ТАСВИРИЙ САЊАТ ВА ФОТОАСАРЛАР ИЖОДИЙ ТАНЛОВИНИ

### ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

#### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловга тақдим этиладиган тасвирий санъат ва фотоасарларда мустақиллик даврида Ўзбекистон маданияти, санъати, илм-фани, адабиёти ва спорт тараққиётига ҳисса қўшган, республикада ижод қилган ва қилаётган, эл-юрт ҳурмати ва эътирофига сазовор бўлган замонамиз қаҳрамонлари образлари акс этиши, тасвирларда уларнинг ички дунёси ҳамда давр руҳи очиб берилган бўлиши лозим. Ижодий танловда бадий таълим бўйича таърибга эга бўлган профессионал рассом, ҳайкалтарош ва фоторассомлар иштирок этишлари мумкин.

#### ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИГАН ВАКТ:

Тақдим этиладиган ижодий ишлар ҳайъат аъзолари томонидан 2017 йил 27 ноябрга қадар қабул қилинади.

#### ТАНЛОВ ҲАҚИДА ТўЛИҚ МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистон Бадий академиясининг интернет сайтидан олиш мумкин.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 37 «А» уй. Ўзбекистон Бадий академиясининг Иқоу Хираяма Халқаро маданият карвонсаройи.

**Боғланиш учун телефон рақами:**  
232-06-75, 252-30-88.

## ДўРМОН ҲАНГОМАЛАРИ



### ТУРИНДА ТУРА ТУРИНГ

Кунлардан бир кун устоз Эркин Воҳидов телефонда адиб Хуршид Дўстмуҳаммад билан наҳорда ошга бориш ҳақида маслаҳатлашаркан, сўрайди:

— Уйингиз қаерда ўзи?

— Мен Турин университетининг ёнида тураман.

— Унда сиз эрталаб Туринда туринг, шофёрим билан бориб олиб кетамиз, — дея чиройли сўз ўйини қилади устоз.

### ҚАНДАЙ КИТОБ?

"Дўрмон хангомалари"нинг янги, тўлдирилган наشري чиққанда асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири, устоз Маҳкам акага хижолат бўлиб телефон қилдим:

— Маҳкам ака, узр, "Дўрмон хангомалари"нинг янги наشريни сизга совға қилолмадим. Агар йўлингиз тушса, китоб "Шарқ зиёкори" дўқонида сотилапти. Китобда суратингиз, таржимаи ҳолингиз ҳам берилган.

— Э, шундайми? Унда, албатта, оламан.

Орадан кунлар ўтгач, Маҳкам акани кўчада учратиб, яна сўрадим:

— Китобни ололдингизми?

— Йўқ, ололмадим, дўқонга кириб сўрасам бунақа китоб йўқ дейишди.

— Йўғ-э, ахир, кечагина ўз кўзим билан кўрувдим-ку?!

— Дарвоқе, китобингизнинг номи нима эди ўзи? — деди Маҳкам ака кўзларини мўлтиради.

Устоз хангомаларга бежиз қаҳрамон бўлмаган.

### ЗўР ЮРИШ

Таниқли шоир Саъдулла Ҳаким бир кун ашаддий шахмат мухлиси, устоз Озод Шарофиддинов билан берилиб донда суришаётганди. Узоқ мушоҳаддан сўнг шоир зўр бир юриш қилади. Устоз қойил қолиб, сўрайди:

— Саъдуллажон, бу комбинацияни онгли равишда, шу лаҳзада ўйлаб топдингизми ёки...

— Устоз, — дея жавоб қилади шоир, — агар бу комбинация натижаси ютққа олиб келса, ўзимнинг топилма, акс ҳол юз берса, бу юриш хато...

### ЎЗИ УЮШТИРГАН

Анвар Обиджоннинг "Ажинаси бор йўллар" деган хотиралар китобидан таъсирланиб, мақола ёзиб чиқардим. Орадан бир неча кун ўтгач, Дўрмонда ёзувчилар ўртасида шахмат мусобақаси бўлди. Навбатдаги рақибим, устоз Иброҳим Фафуров ўйин олдидан дуранг тақили қилди. Олдинги турларда ўйиним унчалик қовушмагани учун бутун очкодан умидвор эдим, тортинибгина дурангани рад этдим. Ўйинимиз қизигандан қизиди, вазият низоҳатда қалтислашган маҳал ногоҳ кўл телефоним жиринглаб қолди. Анвар Обиджон мақола учун раҳмат айта бошлади. Узр сўраб, шахмат ўйнаётганимиз-

ни айтдим. Сўхбатимиз яна бир неча дақиқа давом этди. Ўнг кўлим телефонда, чап кўлим билан сипоҳларни шунчаки нари-бери суриб турдим. Телефонни ўчиришим биланоқ рақибим "Шоҳ!" дея мот қилиб қўйди. Бошимни чангаллаб қолдим. Ноилоҳ Иброҳим акани галаба билан табриқларканман, "Бу галаба учун Анваржонга раҳмат айтиб қўйинг", дедим.

Эртаси кун Адабиёт газетасининг танқид бўлими мудири Аҳмад Отабоевга телефон қилиб, мақола учун миннатдорлик билдирдим. Шахмат воқеасини ҳам кистириб ўтдим. Шунда Аҳмаджон ҳам ажайиб бир лутф қилди:

— Бу телефон ҳийласини Иброҳим аканинг ўзи уюштирган!

### АСАР НОЧОР БЎЛСА...

Асарини босишга яроқсиз деб қайтариб берган ходим аксарият муаллифларга ёқмайди. Ёзувчи Тоҳир Малик "Шарқ юлдузи" журналида ишлаганида бу бошогриққа кўп бора йўлиққан.

Кунлардан бир кун кексароқ муаллифнинг уруш ҳақидаги асари уюшманинг наср кенгашида салбий баҳо олса-да, қисқартирилган ҳолатда журналда босиладиган бўлади. Ночор асар журналда эълон қилинганда журналнинг техник муҳаррири, Тоҳир Малик олдига бўйини эгиб келади.

— Билмай қолибман, асардан олтимиш бети тушиб қолибди. Кутилмаганда ходим танбех ўрнига далда эшитишди:

— Э, кўрқманг, бунақа асардан олтимиш эмас, олти юз бет тушиб қолса ҳам сезилмайди. Индаманг, юраверинг!...

Шодмон ОТАБЕК,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими

## "ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"

2017 йил, 3-сон

"Бугун ҳамма нарсани ўз номи билан тўғри айтишдан замон келди. Илгари ёшлар ташкilotи ёшлар ҳаётидаги қандай долзарб муаммоларни муҳофаза этмасин, уларнинг аксарияти ўша ташкilotдан нарига ўтмас эди..."

Журналнинг ушбу сонидида чоп этилган "Катта куч, улкан салоҳиятни бирлаштириб" мақоласида муаллиф, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси Қарамон Қуронбоев ёшлар иттифоқи ташкilotи тўлиқасида юқоридан пастига қараб эмас, балки ҳар томонлама ҳаракатлана оладиган механизм жорий қилинаётгани ҳақида фикр юритар экан, ёшларнинг орзу-интилишлари, мақсадлари, муаммоларини тинглаб, уларни ўз ўрнида ҳал қилиш принципи асосида иш қўрилишини алоҳида таъкидлайди.

Бахтиёр Маҳмадиевнинг "Ўзбекистон касабаси уюшмалари: мақсадимиз Ватан тараққиёти ва эл-юрт манфаатига хизмат қилиш" номли мақоласидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш каби инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида би-

либ олишингиз мумкин. Конституциямиз ташкilot топганига 25 йил тўлиши муносабати билан чоп этилган "Конституциямиз мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим қадролари", "Инсон экологик ҳуқуқлари объектлари юридик тушунчаси", "Демократия, ижтимоий адолат ва ҳамкорлик: гоявий-сиёсий муштарақлик" каби мақолалар ҳуқуқий билимларингизни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

"Ҳаракатлар стратегияси ва демократик ҳуқуқий жамият", "Оилавий низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантириш" каби мақолалар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, журналда Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ бош қотиби ҳамда БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан бўлган расмий учрашувлари ҳам батафсил ёритилган.



Дилором СУЛТОНОВА

### "ЁШЛИК"

2017 йил, 9-сон

"Ўтган йиллар мобайнида БМТ минбарига не-не сиёсат алломалари, дунё тан берган арбоблар чиқмаган дейсиз. Лекин бу нуфузли минбардан биринчи марта дунё ёшларининг буғуни ва эртанги йўқлигини таъминлашга асос бўлувчи расмий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклиф билдирилди. Ва бу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ўртага ташланган!", деб ёзди "Бедорлик" сарлавҳали мақоласида Нодир Жонузоқ.

Қирғиз оқини Идрис Айтбаев билан суҳбатда "Ўзбек ва қирғизнинг жигарлик илдизлари ўшдаги Сулаймон тоғидан ҳам қадимий"лиги, бу икки халқнинг илдизларини туташтирувчи эпос-

лар ҳақида сўз юритилди. Филология фанлари номзоди, шоир Илҳом Аҳроф устоз мунаққид Иброҳим Фафуровга мактубида таниқли ижодкорнинг турли тилларда чоп этилган асарларининг довриги, уларни ўқиб "ҳикматга дўнган жумлалардан" завққа тўлган ҳақида ёзди.

"Назм" саҳифаларида Фарид Афрўз, Шермурод Субҳон ва Алибек Анварийнинг шеърларидан баҳраманд бўласиз. "Жаҳон ҳикояси" туркумидан грузин адиби Нодар Думбадзенинг "Ҳазарула" номли ҳикояси (рус тилидан М.Мадвалиев таржимаси) берилган. Бобо Равшаннинг "Шом ва тонг орасида" номли қиссасининг давомини ҳам журналнинг ушбу сонидида ўқийсиз.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоянаси Фафур Гуломнинг умр лаҳзалари муҳрланган фотосуратлар ва адиб ҳақида саф-



Жуманазар БЕКНАЗАР



Олий тоифали шифокор шоир 1946 йилда туғилган. "Тош балоси", "Гулдек нозик", "Болагиз нега безовта?", "Она ва бола таянчи", "Ёниқ юрагим", "Меҳр қўши", "Изтироблар қомида", "Манзилдан кейинги йўл" сингари китоблари чоп этилган.

## ЯШАМОҚ ЗАВҚИ

### ҚўШИҚ

Бободехқон қуйига,  
Ҳавас қилди нолалар.  
Не келганини ўйига,  
Англари фақат далалар.

Баракага чулғаниб,  
Тупроқ кўпчиб уйғонар.  
Жўякчалар тўлғониб,  
Пушталарга суянар.

Кенгликларга интилар,  
Далаларнинг ошиғи.  
Мана шундай битилар,  
Она тупроқ қўшиғи.

### БАХТЛИ КУНЛАР

Атиргул ҳис берди нафис, беқиёс,  
Ҳисдан жилоланди дилдаги олмос,  
Гуллар ифорида дилда эҳтирос —  
Райҳонга чулганган бахтли кунларим.

Сўмоқлар бағрида сирлар яширин,  
Сирлар ила очдим мен илм қасрин,  
Юлдуздай хаёллар нақадар ширин,  
Урфонга чулганган бахтли кунларим.

Ёшлик навосига тўлганда осмон,  
Юракни чулғайди ширин ҳаяжон,  
Тоғларни кўтарур игнадай имкон,  
Осмонга чулганган бахтли кунларим.

Кетди умр билан йиллар ўйнашиб,  
Орзу билан қолди ўйлар талашиб,  
Ҳислар ақл билан қолмиш сирлашиб,  
Имонга чулганган бахтли кунларим!

### ҚАДР

Ёшлик жасоратин эслайсан бот-бот,  
Меҳнат, заҳмат билан гулларкан ҳаёт.  
Яхшидан боғ қолар, дейдилар ахир,  
Боғ билан эсланур қолган яхши от.

Камолитдин Бекзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи жамоаси Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Акмал Нуридиновга онаси **ҲИКМАТОЙ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Бобур халқаро жамоат фонди жамоаси филология фанлари номзоди, бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмоновга турмуш ўртоғи **Янглиш ЭГАМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси институтининг Ахборот технологиялари маркази директори Максим Савочкинга онаси **Тамара САВОЧКИНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

**МУАССИС:**  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

**ҲОМИЙ:**  
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЈАДОРИК КОМПАНИЈАСИ

**Манзил:** Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибият — 233-49-93

**Электрон манзил:**  
uzas.gzt@mail.ru

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

**Санъат бўлими:** 233-54-40  
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош  
муҳаррир  
Сирожида  
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Гулҳебра УМАРОВА  
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.  
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 02.20

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3369. Буюртма Г — 1082. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНАРИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВА НАРХИ  
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

